ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЭТНОГЕНЕЗИГА ОИД МАНБАЛАР

Бекимбетов Бахадыр Мырзабаевич
Қорақалпоқ қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти «Гуманитар фанлар» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.
e.mail: b_ bahadyr@mail.ru
Researcher ID: AAY-4512-2021
ORCID ID: 0000-0001-5420-0807
https://doi.org/10.5281/zenodo.7684479

Аннотация. Мақолада Қорақалпоқ халқининг этногенезида муҳим ўрин касб этган ўрта осиёдаги ўрта аср давридаги бижанак, печенег, наукарда қабилалари ҳақида тадқикот қилинади. «Тарихи Байхаки», «Шажараи тарокима», «Дивану лугат-ит турк» каби ўрта аср манбаларидан ушбу илмий мақолада илк бор ўрганилади ва илмий-оммобоп талқинда баён этилади.
Калт сўзлар: манбашунослик, қорақалпоғлар, бижанак, печенег, наукарда.

СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ИСТОЧНИКИ ПО ЭТНОГЕНЕЗУ КАРАКАЛПАКОВ

Бекимбетов Бахадыр Мырзабаевич
заведующий кафедры «Гуманитарных дициплин» Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологии, кандидат исторических наук, доцент
e.mail: b_ bahadyr@mail.ru
Researcher ID: AAY-4512-2021
ORCID ID: 0000-0001-5420-0807
Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology

Аннотация. Изучается о средневековых среднеазиатских племенах бижанак, печенег, наукарда которые играло немаловажных роль в этногенезе каракалпаков. Исследуя средневековые источники как, «Тарихи Байхаки», «Шажараи тарокима», «Дивану лугат-ит турк» данная статья является первой попыткой научно-популярного изложения. Будут интересны не только широкому читателю, но и специалистам-историкам.
Ключвые слова: источниковедение, каракалпаки, бижанак, печенег, наукарда

SOURCES ON THE ETHNOGENIS OF THE QARAQALPOQ PEOPLE IN THE MIDDLE AGES

Bekimbetov Bakhadir Mirzabaevich
Head of the Department of Humanities, Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology, Candidate of Historical Sciences
e.mail: b_ bahadyr@mail.ru
Researcher ID: AAY-4512-2021
ORCID ID: 0000-0001-5420-0807
Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology

Annotation. The article presents information about the medieval Central Asian tribes Bizhanak, Pechenegs, Nakarda, which played an important role in the ethnogenesis of the Karakalpak nation. Exploring medieval sources like "Tarihi Bayhaki", "Shajarai tarokima", "Divanu lugat-it turk" this article is the first attempt at a popular scientific presentation. The article introduces some new materials and facts, it expresses new thoughts on a number of issues. They will probably be of interest not only to the general reader, but also to specialist historians.

Key words: source study, Karakalpak nation, Bizhanak, Pecheneg, Nakarda.

Манбашунослик – тарих фанининг бир қисми бўлиб, ушбу соҳани ўрганишда бугунги кунга қадар кўплаб муаммолар учрайди. Ҳозирги даврда қарақалпоқ халқининг ўрта асрлардаги этногенезига оид манбаларни ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Тарихий тараққиёт жараёнидаги этногенез масалаларини тушунтириш учун ёзма манбалардан фойдаланиш, уларни таҳлил қилиш ва чуқур ўрганиш зарур.

«Афсуски, ушбу ҳақиқатликга барча тарихчиларимиз тўла эътибор беришмаяпти. «Манбашунослик – тарих фанининг асоси бўлишига қарамасдан, баъзи бир тарихчиларимиз манбашуносликнинг зарурлигига эътибор бермасдан келишмоқда» - дея таъкидлашган эдилар академик С.Камалов ва профессор Б.Қошанов [1].

VIII – IX аср бошида Шарқдан ўғузлар, қарлукларнинг босқинчилиги ва жануби - ғарб томондан арабларнинг истилочилик юришлари натижасида Қанғ сиёсий бирлашмаси инқирозга юз тутди. Ўша пайтда Сирдарё бўйи ва Орол денгизи атрофларида янги бижанак иттифоқи пайдо бўлди. Жумладан, улар Византия манбаларида пацинак ёки пачинакит, араб-форс манбаларида баджинак, баджгарди, нукарда ва бижанак деб аталган. Уларга Қанғ сиёсий бирлашмасига асос солишган ва бошқарган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, VI-VIII асрларда Сирдарёнинг қўйи қисми ва Орол денгизи атрофларида

печенеглар яшашган. Ушбу бирлашма янги бижанак номи билан аталди. Халқларнинг этногенезини ўрганиш ўз қонуниятларига кўра мураккаб масала ҳисобланади. Печенег қавмлари тарихида бир – бирига яқин бўлган бир нечта атамалар учрайди. Уларнинг ичида ҳақиқатликка тўғри келадиган "Бече" турк номи бўлиб, у печенег қавмлари иттифоқининг биринчи ҳарбий сардори бўлган бўлиши, эҳтимол [2].

Печенег иттифоқи шаклланган дастлабки даврларда Сирдарё ва Орол денгизи атрофларида кўчманчи тарзда ҳаёт кечиришган. Ушбу ҳудуддаги моддий маданият бижинак сиёсий иттифоқи, яъни қавмининг маданий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Илк ўрта аср саёҳлари асарларида Ўрта Осиё худудидаги ўғуз ва бижанак қавмлари тўғрисида баъзи маълумотлар учрайди. Айниқса, ушбу қавмлар ҳақидаги манбаларнинг аксарияти салб юришлари (X-XII асрларга) даврига тўғри келади. Бижанак ва ўғуз қавмларининг IV-XIII асрлардаги тарихини ўрганишда шарқ манбалари муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу манбалар В.В.Бартольд, В.И.Беляев, А.А.Романович, И.Б.Крачковский, Б.А.Аҳмедовлар тамонидан бирмунча урганилган. IX-X асрларга оид араб-форс манбаларида баджнак, баджгарди, наукарда, бижанак ва ўғузлар тўғрисидаги даслабки маълумотлар келтирилган. [3]. Илк бор бижанаклар ҳақида маълумотлар Ибн Хордадбекнинг (820-912 йй.) "Китаб ал-масалик вал мамалик" асарида учрайди [4].

Абул Фазл Байҳакий IX-X асрлардаги машҳур тарихчилардан бири булиб, у 30 жилдли тарихий йилноманинг муаллифи бўлиб ҳисобанади. Маъсудий асарларида эса Сирдарё ва Орол денгизи атрофида яшовчи турк қавмлари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд [5]. Муаллиф томонидан баджнак, наукарда, бижанак қавмининг Орол денгизи атрофларида жойлашганлиги кўрсатилган. Маъсудийнинг маълумотига кўра, Журжон (Орол денгизи) кўли атрофида бижанак ва ўғуз қавмлари ўртасида ўзаро ички низолар ва урушлар бўлиб турган. Баджнак, баджгарди, наукарда, бижанак қавмлари ўғузлар, қалмоқлар ва қарлуқлар билан бўлган ўзаро урушлардан сўнг Орол денгизи атрофидан кетишган.

Академик Б.Б.Бартольднинг фикрича "Абул Файл Муҳаммад Хусаин Байхақий асари бизнинг кунимизга қадар етиб келган. Ушбу асар ислом тарихий асарлари ичида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади" [6].

Байхакий асарида кўрсатилишича, XI аср ўрталарида Хоразмшоҳларнинг туркий қавмлардан тузилган қўшинига "Қалпоқ" исмли саркарда раҳбарлик қилган. П.П.Ивановнинг фикрига кўра, "Қалпоқ" исмли ҳарбий саркарда раҳбарлик қилган ҳарбий бўлинма қарақалпоқ навкарларидан тузилган бўлиши

мумкин. П.П.Иванов фикрига кўра XI асрда Орол бўйи атрофида «Қарақалпоқ» этноними учрайди [7].

«Тарихий Бейҳақий» асарига чуқур назар ташласак, қарақалпоқ этноними XI асрда эмас, балки бирмунча илгарроқ, яъни IX-X асрларда қипчоқ қавмлари истилосига қадар ҳам учрайди. Ушбу атама ўша даврларда ўғузлар билан кўп йиллик урушлар олиб борган қанғли- бижанак, баджнак, баджгардиларга нисбатан ишлатилган.

Хулоса сифатида таъкидлаганимизда, қарақалпоқ халқи – Ўрта Осиёдаги қадимий халқлардан бири бой маданий меросга эга бўлишган. Қарақалпоқ халқига оид ёзма манбаларга назар ташласак – Ўрта Осиёдаги халқлар билан яқин иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса ўзбек, қозоқ, туркман, қарақалпоқ халқлари бир-бирига яқин бўлиб, улар умумий этник жиҳатдан бир-бирига яқин халқлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1.] Камалов С.К., Кощанов Б.А. Проблемы истории XX века. //Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, Нукус, 1992, № 2.- 76 б.

[2.] Плетнева С.А. Половцы. М.: Наука, 1990.- 9 б.

[3.] Бартольд В.В. Соч. Т.1, М., 1963./ Матертиалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1, М.-Л., 1939; Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. IV, М.-Л., 1957; Ахмедов Б.А. Узбекистон тарихи манбалари. Т.. 1991

4. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.IV, М.-Л., 1957.- 19 б.

5. Абу Фазл Байхаки. История Маъсуда (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарии и приложения А.К.Арендса. Изд. 2-е, дополненное. М. 1969

6. Уша жойда, 15 б.

7. История ККАССР. Т. 1 (с древнейших времен до Великой Октябрьской социалистической революции). Т.: Фан, 1974.- 91 бет